

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН
АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон
қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт,
филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик
диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия
этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

2023-2/4

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года**

Хива-2023

Бош мухаррир:*Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.***Бош мухаррир ўринбосари:***Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.***Тахрир хайати:**

Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.
Абдуллаев Баҳром Исмоилович, ф-м.ф.д.
Абдуллаев Раҳман Бабажонович, тиб.ф.д., проф.
Абдухалимов Баҳром Абдурахимович, т.ф.д., проф.
Агзамова Гулчехра Азизовна, т.ф.д., проф.
Алимбетов Нағмет Қаллиевич, и.ф.д., акад.
Аметов Яқуб Идрисович, д.б.н., проф.
Бабаджанов Хушнот, ф.ф.н., проф.
Бекчанов Даврон Жуманазарович, к.ф.д.
Буриев Хасан Чутбаевич, б.ф.д., проф.
Ганджаева Лола Атаназаровна, б.ф.д., к.и.х.
Давлетов Санжар Ражабович, тар.ф.д.
Дурдиева Гавҳар Салаевна, арх.ф.д.
Дўсчанов Бахтиёр, тиб.ф.д., проф.
Ибрагимов Бахтиёр Тўлаганович, к.ф.д., акад.
Жугинисов Тангирберген Исаевич, б.ф.н., доц.
Жуманиёзов Зоҳид Отабоевич, ф.ф.н., доц.
Жуманов Мурат Арепбаевич, д.б.н., проф.
Кадирова Шахноза Абдухалиловна, к.ф.д., проф.
Каримов Улуғбек Темирбаевич, DSc
Қутлиев Учқун Отобоевич, ф-м.ф.д.
Ламерс Жон, к/х.ф.д., проф.
Майкл С. Энжел, б.ф.д., проф.
Махмудов Рауфжсон Баходирович, ф.ф.д., к.и.х.
Мирзаев Сирожиддин Зайниевич, ф-м.ф.д., проф.
Мирзаева Гулнара Саидарифовна, б.ф.д.

Пазилов Абдуваеит, б.ф.д., проф.
Рахимов Раҳим Атажанович, т.ф.д., проф.
Рахимов Матназар Шомуротович, б.ф.д., проф.
Рашидов Негмурод Элмуродович, б.ф.н., доц.
Рўзиев Рашид Юсуфович, тиб.ф.д., проф.
Рўзметов Бахтиёр, и.ф.д., проф.
Садуллаев Азимбой, ф-м.ф.д., акад.
Салаев Санъатбек Комилович, и.ф.д., проф.
Сапарбаева Гуландам Машиариповна, ф.ф.ф.д.
Сапаров Каландар Абдуллаевич, б.ф.д., проф.
Сирожов Ойбек Очилович, с.ф.д., проф.
Сотилов Гойипназар, к/х.ф.д., проф.
Тожибаев Комилжон Шаробитдинович, б.ф.д., академик
Холлиев Аскар Эргашевич, б.ф.д., проф.
Холматов Бахтиёр Рустамович, б.ф.д.
Чўпонов Отаазар Отожонович, ф.ф.д., доц.
Шакарбоев Эркин Бердикулович, б.ф.д., проф.
Эрматова Жамила Исмаиловна, ф.ф.н., доц.
Эшчанов Рузумбой Абдуллаевич, б.ф.д., доц.
Ўразбоев Ғайрат Ўразалиевич, ф-м.ф.д.
Ўрозбоев Абдулла Дурдиевич, ф.ф.д.
Ҳажиева Мақсуда Султоновна, фал.ф.д.
Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.
Худайберганаева Дурдона Сидиқовна, ф.ф.д.

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№2/4 (98), Хоразм Маъмун академияси, 2023 й. – 245 б. – Босма нашрнинг электрон варианты - <http://mamun.uz/uz/page/56>

ISSN 2091-573 X

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академияси

© Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими, 2023

Saidova M.U., Jamolova M.B. The nature of mythology in literature	109
Saidova M.U., Zabieva V.Kh. Closer view to task-based language teaching	112
Saidova Z.B. Normurod Norqobilov qissalaridagi metaforaning lisoniy xususiyatlari	116
Shirinqulova Sh.M. Zamonaviy atamashunoslik, uning nazariy asoslari va tibbiy atamashunoslikni shakllantirish	119
Shodiyeva M.N. Xitoy tilida dehqonchilikka oid leksikalar va ularning xususiyati	122
Toirova U.S. Normurod Norqobilovning "Dashtu dalalarda" asarida bo'ri zoosemasi	124
Usmanova L.A., Saidqodirova D.S. Phenomenon of metaphorization in computer terminology	126
Xusainova G.Sh. Xorazm viloyatidagi moddiy madaniy meros obyektlarining nomlanishining o'ziga xos xususiyatlari	129
Yadgarova Z.T. Super-segment phonostylistics: pitch, loudness, and length of sounds	133
Yodgorova Z.G. Media tilida modallik kategoriyasining lingvistik asoslari	135
Yusupova M.A. Tilshunoslikda badiiy tarjimaning takomillashtirish ahamiyati	138
Yusupova Sh.A. Structural features of pedagogical terms in english and uzbek	140
Zhomardova D.K. Research of appellative lexicon in linguistics	143
Zubaydullayeva H.T. Complex paradigm of linguistic analysis of artistic text and adaptation to the learning process	145
Абдугаффарова Г.А. Инглиз тилида хушмуомалаликни ифодалашнинг лексик воситалари	148
Абдурахманова М.У. Ўзбек тилида касаллик номларининг эвфемизацияси	152
Азимова С.Х. Локутивный/иллокутивный акт "выражения отказов": прагматический анализ	155
Батыршина Ж.К. Воспитательные принципы художественного и филологического лейтмотива в поэтике романа М. Булгакова "Мастер и Маргарита" на основе формулы зеркальности	158
Бектурсынова А.М. Композиционный анализ текстового массива М.М. Бахтина, репрезентирующего идиодискурс ученого	160
Бердикулова Г.И. Социолингвистические аспекты обучения русскому языку местного населения Туркестана	166
Болтаева И.Т. Адабий ворисийлик мохияти	170
Буриева Ф.Н. Шеърятда салафларга издошлик ва индивидуаллик	173
Ганиева Г.З. Инглиз ва ўзбек тилларида топонимларнинг турлича таснифланиши	177
Гаппаров А.К. Публицистик матнда ижтимоий-сиёсий лексиканинг тавсифи	181
Довлетов Ш.А. Грецизмы, пришедшие из других языков	184
Жаббарова М. Ги Де Мопассон ҳамда Абдулла Қаххорнинг аёллар тасвирида алвасти ва ёсуман образларидан фойдаланиш махорати	188
Матякубова О.М. Француз тилида гап таркибли бирликларнинг грамматик-семантик типлари	192
Муминова М.А. Инглиз тилидаги "time" концептли лексемалар тахлили	196
Нарходжаева Х. Шахслараро муносабатда расмий мулоқотнинг ўрни	199
Насруллаев Э.Ж., Абдуллаев Х.Б. Навоий шеърятдаги ирфоний маънолар талқини	202
Раимова Н.А. Хоразм дostonлари шеърятда бармок вазни	207
Сувонов З. Бадий матнни лингвистик экспертиза қилишнинг методологик муаммоси	213
Сулайманова Н.Ж. Оламнинг комик манзарасида баҳо концептларининг ўрни	217
Турдикулова Б. Инглиз ва ўзбек тилларидаги геология терминларининг полисемантик муносабатлари	223
Утемуратова З.А. Особенности терминологических единиц в строительной отрасли	226
Халимова Ф.Р. Концепт, концептосфера ёки концептуал майдон	228
Худайкулова Л. Оилавий-маиший маросимлар тизимидаги удумлар ҳақида	233
Шарипова А.А. Электрон лексикографик манбаларнинг тавсифи ва таснифи	236
Якубов М.К. Амир Темур шахсига бағишланган илмий тадқиқотлар	239
Янгибоева С.Р. Тохир Маликнинг "Фалак" қиссасида диний-маърифий масалаларнинг бадий талқини хусусида	242

АДАБИЙ ВОРИСИЙЛИК МОҲИЯТИ

И.Т.Болтаева, доцент, ф.ф.и., Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада ўзбек адабиётидаги ворисийлик анъаналарининг бадий ижодда тутган ўрни, аҳамияти, амал қилиш механизлари ҳамда ўзбек адабиётшунослиги илмида илмий-назарий жиҳатдан ўрганилиши масалалари ҳақида фикр юритилади.

Калим сўзлар: адабий, ворисийлик, тўқима, анъана, бадий-эстетик, янгилувчилик, идрок, онгли фаолият, ижодий куч-қудрат, бетакрорлик.

Аннотация. Автор статьи узбек литературоведение преемника традиционное художественное роль, значение, механизмы обоснованности традиций преемственности, в науке узбекской литературоведческой критики существует мнение по вопросам научно-теоретического изучения.

Ключевые слова: литературность, преемственность, фактура, традиция, художественно-эстетическая, новаторство, восприятие, сознательная деятельность, творческая сила, уникальность.

Abstract. The author of the article Uzbek literary criticism of the successor traditional artistic role, meaning, mechanisms of validity of the traditions of continuity, in the science of Uzbek literary criticism there is an opinion on the issues of scientific and theoretical study.

Key words: literature, continuity, texture, tradition, artistic and aesthetic, innovation, perception, conscious activity, creative power, uniqueness.

Адабий ворислик ва унинг бадий ижодда амал қилиш механизлари қай йўсинда зохир бўлишини аниқлаш ўзбек адабиётшунослигида ҳозирга қадар академик кўламда ўрганилмаган муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Шунинг учун ҳам ўзбек адабиётшунослиги илмида ушбу масалаларнинг айрим қирралари адабий анъана билан бирга бадий-эстетик янгилувчилик (новаторлик) муносабатлари доирасида ўрганиб келинади [1].

Ворисийлик туфайли умумжаҳон адабиётшунослиги юксалишида бўй кўрсатган собит ички қонуният адабий тараккиёт давомийлиги асосида ўзбек адабиёти намуналари бадий тўқимасига ҳам сингиб кетганлиги шубҳасиздир. Маълумки, ворисийлик тушунчаси табиат ходисалари учун ҳам хос бўлиб, ундаги янгиланишларда инсон инон-ихтиёридан ташқаридаги биогенетик қонуниятлар устувор. Адабиётдаги ворисийлик эса истеъдодли инсонларнинг идроки ва онгли фаолияти натижасида аввалдан шаклланган тажрибалардаги энг соғлом ва яшовчан жиҳатларни қабул қилиб олиш билан характерланади. Анъанани давр талабларига бадий шаклда мувофиқ келтира оладиган, жумладан, тасвирий, воситалар ва услубни янгилашдек мураккаб ижодий ўзгаришни амалга оширгани кодир истеъдод эгасигина ворисдир.

Адабиётдаги яшаш ва ривожланиш қувватини реал ҳаётнинг борлиги ва ижодкор истеъдоди ҳамда меҳнати таъминлар экан, адабий ворисийликда ижодкорнинг тасвир маҳорати белгиловчи аҳамият касб этиб боради. Чунки кечаги адабиётда мавжуд бўлган барча нарса эмас, балки маҳорат билан юзага келтирилган ва истемолчи китобхонлар эътиборини тортиш қудратига эга бўлган аҳамиятли жиҳатларгина бугунги ва эртанги адабиётнинг таркибига кўчиб ўтади, ўқувчиларнинг маънавий мулкига айланади.

Ижодкор шахси, унинг бетакрор истеъдоди, ижодий куч-қудрати даражаси кейинги замонларда ҳам яшашга арзирли бўлган бадий топилмаларни юзага чиқариб, озиклантириб, камолга етказиб туради. Бадий адабиётдаги ворисийликнинг узлуксизлигини таъминлашда истеъдодли ижодкор томонидан киритилган тажид, туртки, бетакрор янгиланиш ва тозариш мана шу сабабдан тўсикка учрамайди, инкор этилмайди. Демак, адабиётдаги ворисийлик қонуниятининг амал қилиши, турли тарихий даврларда турлича хусусият ва шакллар касб этишини адабий жараённинг аниқ босқичлари, уларда яратилган асарларнинг атрофлича чуқур таҳлили орқали тўғри белгилаш мумкин бўлади.

Адабиётдаги ворисийлик муаммоларини илмий тадқиқ этишда фалсафа фанидаги инкорни инкор ва миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига айланиш қонунларига ҳос “инкор”, “миқдор”, “сифат”, “меъёр”, “сақраш”, “такрорийлик” каби бир қатор тушунчаларга таяниб иш кўриш мақсадга мувофиқдир. Чунки анъана ва янгилиниш ўртасидаги миқдор ҳамда сифат ўзгаришларини баҳолашни бевосита ана шу категориялар воситасидагина амалга ошириш мумкин бўлади.

Биламизки, бадиий адабиёт оғзаки ёки ёзма шаклда бўлишидан катъий назар, инсоннинг маънавий-ахлоқий камолотини таъминлашга йўналтирилган бўлади. Шунинг учун одамзот бадиий адабиётни ўзининг маънавий эҳтиёжини қондирувчи сўнмас ва қудратли восита сифатида эҳтиётлаб, авайлаб ажоддан авлодга ўтказиш заруриятини ҳис қилиб яшайди. Ана шу эҳтиёж кучи адабиётни асрлар оша барҳаёт қилиб, ўзгарувчан замон талаб ва мақсадларига мос ҳолда тараккий этишини таъминлаб келади. Бинобарин, адабиётдаги ворисийлик бугунги адабий жараёни ўтмиш ва келажакдаги адабий жараён билан боғловчи ҳаётий-эстетик кўприк бўлиб, бу кўприкнинг адабий ижоднинг давомийлиги ва тараккиёти ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас.

Шу ўринда савол туғиладики, адабиёт яна қандай восита ва йўллар орқали яшовчанлик касб этади? Қандай қонуниятлар унинг ҳаётбахш анъаналари умрзоқлиги ва давомийлигини таъминлайди? Бадиий адабиётнинг давомийлигини жамият маънавий-эстетик эҳтиёжидан бўлак ҳолда барқарор қиладиган яна бошқа омиллар борми? Саволлар ушбу масаланинг моҳиятига тегаран кириб борганингиз сайин кўпаяверади. Бундай сўровларга фактик жиҳатдан асосли ва илмий ишончли жавоб бериш учун адабий ворислик ходисаси ҳамда унинг ўзига ҳос хусусиятларини жиддий тадқиқ этиш лозим бўлади.

Тадқиқотчи Ш.Ф.Давронованинг ёзишича, “Адабий анъана муайян бир ижодкорнинг адабиёт оламига олиб кирган янгилиги ҳамда унинг кейинги авлод вақиллари ижодида намоён бўлиши маъносида ҳам (масалан: Алишер Навоий анъаналари), қайсидир бир адабиётда амалда бўлган бадиият сирларининг иккинчи бир адабий жараёнда қўлланилиши маъносида ҳам (масалан: мумтоз адабиёт анъаналари) тушунилади.

Бадиий ижод жараёнида фаол қўлланилувчи адабий анъаналарни шартли равишда қуйидагича таснифлаш мумкин:

- а) халқ оғзаки ижоди анъаналари;
- б) ёзма адабиёт анъаналари.

Ёзма адабиётга ҳос адабий анъаналарни даври ва ўрнига кўра: а) адабий-тарихий анъаналар; б) замонавий адабиёт анъаналари; в) Ғарб адабиёти анъаналарининг ижодий ўзлаштирилишига ажратиш мумкин” [3].

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, адабиёт ўзининг давомийлиги ва узлуксизлигини таъминлашда доимо реал воқеликка асосланади. Умуман адабиёт ижодий жамоа ёки конкрет муаллиф тахайюлининг маҳсули бўлган ва муайян асари таркибига жойлаб қўйилган ҳаётий ҳақиқатнинг бадиий тароватидан қувват олади. Шу тарихи адабий жараён тараккиётида кузатиш, тажриба ва бадиий услубга доир кодларнинг кейинги ижод намуналарига ўтказилиши орқали даврдан даврга ва асардан асарга кўчиб ўтувчи анъаналар ворисийлиги юзага келади. Демак, ижодкорлар истеъдоди, меҳнати, кузатиш ва тажрибалари туфайли юзага келган адабий асар нафақат воқеликни акс эттириш ва ўқувчиларга завқ бериш учун, балки бевосита адабиётнинг давомийлигини таъминлаш учун ҳам хизмат қиладди. Адабий ворисийлик шу билан кифояланиб қолмай, ўзининг жозибали ҳамда эътиборга лойик қирраларини янги бадиий асарлар бадиий тўқимасига сингдира боради. Инчунун, бадиий адабиёт ўзини ўзи қайта ишлаб чиқариш хусусиятини намоён этади.

Адабиётдаги яшаш ва ривожланиш қувватини реал ҳаётий борлик ва ижодкор истеъдоди ҳамда меҳнати таъминлар экан, адабий ворисийликда ижодкорнинг тасвир маҳорати белгилувчи аҳамият касб этиб боради. Чунки кечаги адабиётда мавжуд бўлган барча нарса эмас, балки маҳорат билан юзага келтирилган ва истемолчи китобхонлар эътиборини тортиш қудратига эга бўлган аҳамиятли жиҳатларгина бугунги ва эртанги адабиётнинг таркибига кўчиб ўтади, ўқувчиларнинг маънавий мулкига айланади.

Юкорида айтиб ўтган фикрларимиздан маълум бўладики, адабиётдаги ворисийлик бадний истеъдод эгаларининг онгли фаолияти натижасида адабий тараккиётнинг муайян босқичига қадар шаклланган тажрибалардаги энг соғлом ва яшовчан жихатларни қабул қилиб олиш билан уларни давр талабларига мувофиқ ҳолатга келтириб, янгилаш тарзида содир бўладиган мураккаб сабабий боғланишлар натижасида юзага келади. Шундай экан, гапдаги вазифа адабий ворисийликнинг индивидуал бадний ижод жараёнида қай йўсинда зохир бўлиши механизмларини атрофлича ойдинлаштириш, шунингдек, адабий ворисийлик ходисасининг миллий адабиётлар тарихий тараккиётига кўрсатадиган ижобий ва салбий таъсири сингари назарий муаммолар бой ва ранг-баранг бадний материалларга таянилган ҳолда тадқиқ этиш сингари долзарб назарий муаммолардан иборат эканлиги аёнлашади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ҳақимов М. Алишер Навоий лирикаси ва халқ оғзаки ижоди. -Т.: 1979.
2. Муҳиддинов М. Қ. Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида инсон концепцияси. ДДА, -Т.: 1995.
3. Давронова Ш.Ф. Истиқлол даври ўзбек романларида Шарк в Ғарб аъналарининг бадний синтези. Филология фанлари доктори (Doctor of Science) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Самарқанд. 2019.-Б.15.).
4. Отаули (Рахим Отаев). Отабек ва Қумуш достони. Бадиа. -Т., "Mashur –press". 2019. –Б.6.
5. Суванқулов И. Сўфи Оллоҳёр ва унинг адабий аъналари. ДДА, -Т.: 1997.
6. Хайитов А. Ж. Алишер Навоий «Хамса»сини насрийлаштириш: аъна, таъдил ва талқин. НДА, -Т.: 2000.
7. Матекубова Т. Отаҳий шеъриятида аънавий образлар талқини. НДА, -Т.: 2001.

УЎҚ 81-13

ШЕЪРИЯТДА САЛАФЛАРГА ИЗДОШЛИК ВА ИНДИВИДУАЛЛИК

(Саъдий Шерозий ва Усмон Азим шеърлари таҳлили)

Ф.Н.Буриева, ўқитувчи, Ўзбекистон-Финляндия педагогика институти, Самарқанд

Аннотация. *Замонавий ўзбек адабиётининг истеъдодли шоири Усмон Азимнинг "Бахшиёна" туркум шеърлари сирасига қирувчи "Қарвон кўрдим, туялари бўзлаб келар" шеъри форс адабиётининг буюк намояндаси Саъдий Шерозийнинг "Ей сорбон, оҳиста юр, оромни жоним борадур" дея бошланувчи машҳур газалига макон ва замон, образлари, мавзуси жиҳатидан жуда ўхшаши бўлиб, буни Усмон Азим ижодида устозларга издошлик, эргашши сифатида баҳолаш мумкин. Бу эса шоир ижодининг қирраларидан бири бўлиб, мақолада ушбу шеърларнинг умумий нафоси ҳамда ижодкорларнинг индивидуаллиги қиёсан таҳлил этилади.*

Калит сўзлар: *газал, форс шеърляти, ўхшашилик, издошлик, индивидуаллик, нафос, макон ва замон, муболагадорлик.*

Аннотация. *Стихотворение знаменитого узбекского поэта Усмана Азима, входящий в сборник "В стиле бахши " " Карвон курдим..." очень близок по сюжетному и образному содержанию с газелью великого представителя персидской литературы Саади Ширози "Ей сорбон охиста..." . Это можно оценить в творчестве Усмана Азима как подражание наставникам. В статье сопоставительно анализируется творческий индивидуализм поэтов и общий нафос стихотворений.*

Ключевые слова: *газель, персидская поэзия, сходство, подражание, индивидуальность, нафос, пространство и время.*

Abstract. *The poem "Karvon kurdim..." by Usman Azim, a talented poet of modern Uzbek literature, which is part of the "Bakhshiyona" series of poems, the famous ghazal of the great figure of Persian literature, Saadi Shirozi, which begins with the words "Ey Sorbon ohista..." is the space and time, images, is very similar in terms of the subject, and it can be evaluated as following the teachers in Usman Azim's work. This is one of the facets of the poet's creativity, and the article compares the general pathos of these poems and the individuality of the creators.*

Key words: *ghazal, Persian poetry, similarity, imitation, individuality, pathos, space and time, exaggeration, generosity*

Ушбу мақоланинг сарлавҳасидан маълумки, қуйида эртакнамо ўлка Шарк шеърляти хақида сўз юритилади. У ўтмиш ва бугуннинг икки бетакрор шоири ижодида ҳамоҳанг